



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
келяжаги  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2007 йил 21 апрель, № 78 (4231)

Шанба

## ПРЕЗИДЕНТ ЖАҲОН ЧЕМПИОНИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 20 апрель куни Оқсаройда бокс бўйича жаҳон чемпиони Руслан Чагаевни, "Юниверсум бокс-промоушн" (Германия) профессионал бокс клуби промоутери Клаус-Петер Коль ва Р. Чагаевнинг ушбу клубдаги менежери Тоймас Ниезовни қабул қилди.**



Бир hafta илгари Германиянинг Штутгарт шаҳрида профессионал бокснинг энг нуфузли — Жаҳон бокс уюшмаси (WBA) йўналиши бўйича ўта оғир вазн тоифасида ўтган баҳсда Руслан Чагаев жаҳон чемпиони камарини қўлга киритди. Давлатимиз раҳбари шу муносабат билан таниқли боксчимизга йўллаган табригда Ўзбекистон ахли бугун унинг спорт оламида қўрсатган беҳис жасоратини байрам қилаётганини, халқимиз ўзбек бокс мактабида тарбия бўлиб келган етган ўғлонининг тарихий ғалабаси билан ҳали равишда фахрланишини таъкидлади.

— Мен сени — ҳалол ва мурокасиз ўтган гоат кескин беллашувда сайёрамизнинг энг кучли боксчиси деган номга сазовор бўлиб, ўзбек спорти ва жаҳон бокс соҳнасида янги, зарҳал саҳифа очиб беришга зарурат бўлган ўғлонимизни яна бир бор қўллашдан мамнунман, — деди Президентимиз.

— Ўзбекистон байроғи ва мадҳиясини, ўзбек спортини, юртимиз шаъни ва шарафини улуг-

лаётнинг учун катта раҳмат.

Юртбошимиз бутун мамлакатимиз, кўпмиллатли халқимиз номидан Ўзбекистоннинг мард ва баҳодир ўғлонига, мана шундай ўғлонни вояга етказган оила аъзоларига ва яқинларига, тренер ва мураббийларига, Штутгартда унинг ёнида бўлганларга, Ўзбекистонда туриб уни қўллаб-қувватлаганларга миннатдорлик билдирди.

Тарих ҳақиқати шуни тасдиқлайдики, бу ҳаётда ҳеч нарса тасодифан юз бермайди. Бугун халқро спорт майдонларида Ўзбекистон байроғи остида мардона курашиб, олий шохсупаларга кўта-

рилайтган йигит-қизларимиз ҳақида гапирар эканмиз, улар эришган юксак марраларнинг пойдевори ва сабаблари, яъни бундай оламшумул зафарларнинг замини қаерда деган савол туғилиши табиий, албатта.

Бунинг замини — аввало, халқимизнинг табиатида, салоҳияти ва буюк имкониятларида, ота-боболаримиздан мерос бўлиб келатган энгилмас куч-қудрат ва азму шижоатда.

Бунинг замини — давлатимиз раҳбарининг спортга, айниқса, болалар спортга, соғлом ва баркамол авлод тарбиясига бе-

райтган катта эътиборида.

Р. Чагаевнинг жаҳон бокс майдонидан эришган муваффақияти бу борадаги эзгу интилишларимиз ва улугвор ишларимизнинг манткий натижаси, халқимиз нимага қодир эканлигининг амалий ифодаси, истиклолимизнинг самарасидир. Бу улкан ютуқ халқимизнинг ҳеч қачон ҳеч қимдан кам бўлмагани ва кам бўлмаглигини яна бир бор тасдиқлади.

Халқлар, мамлакатлар тарихида бундай муҳим ва шонли саналар кам бўлади. Айниқса, ўз халқининг фахру гурурига, Ватанининг ифтихорига айланмишдек буюк бахт

ҳар кимга ҳам nasib этавермайди.

Руслан Чагаев ўз кучи, қатъияти, фидойилиги туфайли ана шундай бахт ва омадга мушарраф бўлди. Николай Валуведек факультетда кучга эга боксчи боксчи бўлган мурақаб жандга боксчимиз наинки чэйир билаклари ва залворли муштнинг кучини, айни чоғда, ўзининг манъавий-руҳий салоҳиятини, тобланган иродасини, қатъиятини тўла намойн қилди.

— Ҳали олдинда сени янгидан янги зафарлар кўтмоқда, — деди Ислон Каримов. — Қаерда бўлсанг, қайси марраларни забт этишга бел боғласанг, шуни

унутмагинки, халқимиз доимо сен билан биргадир.

Элнинг оқ фотиҳаси туфайли ҳамиша йўлинг очик, қўлинг банд ва иқболнинг порлоқ бўлғай. Кексаларимизнинг дуосини, ёшларимизнинг хурмат-эътибори доимо руҳингга мадад, танингнига шижоат бағишлашига ишончим комил. Мана шу муқаддас заминда яшаб ўтган улугларимизнинг, азиз авлиёларнинг руҳи сенга ҳар жойда, ҳамиша мададор бўлсин.

Ўзбекистон Президентининг 2007 йил 17 апрелдаги Фармонида биноан, профессионал бокс бўйича ўта оғир вазн тоифасида

жаҳон чемпиони унвонини қўлга киритиб, мардлик ва жасорат намунасини намойн этгани, мамлакатимизнинг халқро майдондаги обрў-эътибори ва нуфузини ошириш, унинг шухратини дунёга тараннум этиш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш, ўзбек бокс мактаби аънадаларини янада юксалтиришга қўшган улкан ҳисоси учун Р. Чагаев «Буюк хизматлари учун» ордени билан тақдирланди. Юртбошимиз Р. Чагаевга ана шу ордени ва Андижондаги "ЎзДЭУавто" заводида ишлаб чиқарилган "Lascetti" автотомбили калитини топширди.

Президентимизнинг фармонларига мувофиқ Р. Чагаевнинг устоз ва мураббийлари — "Юниверсум бокс-промоушн" профессионал бокс клуби промоутери Клаус-Петер Коль — "Жасорат", боксчимизнинг ушбу клубдаги менежери Тоймас Ниезов эса "Шухрат" медаллари билан тақдирланди. Ислон Каримов уларга ҳам давлатимизнинг юксак мукофотларини топширди.

Мукофотланган Президентимиз Ислон Каримовга ўз меҳнатларини юксак тақдирлагани учун самимий миннатдорлик изҳор этдилар. Руслан Чагаев мамлакатимизда спортни ривожлантириш борасида кўрсатаётган катта эътибори ва спортчиларга нисбатан гамхўрлиги учун Юртбошимизга миннатдорлик билдирди, бундай эътибор Ўзбекистонимизнинг халқро нуфузини оширишда муҳим омили бўлаётганини, Ватанимиз, эл-юртимиз шаънини улуглашда бундан кейин ҳам куч-ғайратини ямғиратиши алоҳида таъкидлади.

(ЎЗА).

СУРАТЛАРДА: қабулдан  
левланган  
Ф. ҚУРБОНОВЕВ олган  
суратлар.

## ҲАМКОРЛИК МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМАСИ



**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 20 апрель куни Оқсаройда Литва Республикаси ташқи ишлар вазири Пятрас Вайтекунасни қабул қилди.**

— Ўзбекистонга ташрифингиз самарали бўлишига ишонаман ва унинг натижалари икки томонлама ҳамкорликни янада кенгайтиришга хизмат қилади, — деди мамлакатимиз раҳбари.

Ўзбекистон билан Литва ўртасидаги муносабатлар йил сайин ривожланиб бормоқда. Жумладан, сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳаларда ҳамкорлик алоқалари мустақамланаяпти. Бунда икки мамлакат раҳбарларининг учрашувларида эришилган ке-

лишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2002 йил сентябрь ойида Литва Республикасига расмий ташрифи ўзаро муносабатларни янги босқичга кўтарди.

2006 йили мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 42 миллион АКШ долларини ташкил этди. Лекин бу кўрсаткич икки давлат салоҳиятига мос келмайди. Ўзбекистон ва Литва озиқ-овқат, қишлоқ хўжалиги

маҳсулотларини қайта ишлаш, кимё, тўқимачилик ва электротехника соҳнасида, шунингдек, қурилиш материаллари, мебель, халқ истеъмолчи моллари, дори-дармон ишлаб чиқаришда янги лойиҳаларни ишга солиб, ўзаро манфаатли дастурларни амалга ошириши мумкин.

Ўзбекистон тўқимачилик соҳнаси, юртимизда давом этаётган хусусийлаштириш жараёни Литва сармаюдорларидан катта қизиқиш уйғотаяпти таъкидлаш жоиз. Транспорт коммуникация-

лари соҳнасида ҳам кенг имкониятлар мавжуд. Ўзбекистон товарларини шимол-ғарбий йўналишда экспорт қилишда, айниқса, Литванинг Клайпеда бандаргоҳидан фойдаланиш қўлай. Клайпеда соҳиллари қишда музламайди, бандаргоҳда хизмат кўрсатиш сифати баланд — товарлар яхши сақланади, омборларда узоқ туриб қолмайди. Литва учун ҳам Осиё бозорларига чиқаришда Ўзбекистоннинг транспорт коммуникацияларидан фойдаланиш манфаати. Мутахассислар икки мамлакатда сав-

до уйлари очиб мақсадга мувофиқ эканлигини таъкидлайди. Бу бозор конъюктурасидан бохабар бўлиш, тегишли ахборотларни алмашиш учун қўлайлик туғдиради.

Ўзбекистон ва Литва ўртасида сиёсий ҳамкорлик ҳам изчил ривож топмоқда. Бунда икки томонлама сиёсий мулоқотлар, шунингдек, халқро ташкилотлар доирасидаги алоқаларга алоҳида эътибор қаратилаётганлигини қайд этиш лозим. Айни пайтда терроризм, экстремизм, наркобизнес, қурол-яроқ контрабандаси, трансмилий уюшган жиноятчилик каби иллатларга қарши курашда ўзаро ҳамкорлик икки томон учун ҳам зарур. Литва раҳбарияти Ўзбекистонга Марказий Осиё минтақасида муҳим ўрин тутувчи давлат сифатида қарайди.

Пятрас Вайтекунас самимий қабул учун Президентимиз Ислон Каримовга миннатдорлик билдирди. Литва Ўзбекистонга дўст ва ҳамкор мамлакат сифатида қарашини, алоқаларни ҳар томонлама мустақамлашдан манфаатдор эканлигини алоҳида таъкидлади.

Оқсаройда бўлиб ўтган учрашувда икки томонлама муносабатларнинг бугунги аҳоли ва истикболлари, савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар ҳамда долзарб минтақавий ва халқро муаммолар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎЗА).

А. ТҮРАЕВ олган суратлар.

## РУСЛАН ЧАГАЕВ: ҒАЛАБАМНИ ВАТАНИМ МУСТАҚИЛЛИГИГА БАҒИШЛАЙМАН

**Ўзбекистоннинг ва ўз номини жаҳон спорти тарихи саҳифаларига зарҳал қарғлар билан битган ватандошимиз, бокс бўйича жаҳон чемпиони Руслан Чагаев 20 апрель куни мамлакатимиз бош майдонидagi Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гулдаста қўйди.**

Мустақиллик майдони — барчамизнинг сеvimли қадимомиз. Спортчиларимиз нуфузли мусобақалар олдиндан ҳамда халқро майдонларда эришилган ғалабаларидан сўнг Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гулдастлар қўйиши аънаанага айланган. Зеро, ҳар бир ўзбек спортчиси ўз Ватани шарафини ҳимоя қилиш ҳуқуқи, эришилаётган юксак натижалари, қўлга киритилаётган медаллари, тарихий ғалабалари истиклолимизнинг шарафатидан эканини яхши билади.

Тошкентдаги Олимпия шон-шухрати музейида бўлиб ўтган матбуот анжуманида Руслан Чагаев шуни алоҳида таъкидлади. Унда мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситаларидан қўллаб-қувватловчи журналистлар иштирок этди. Президентимиз Ислон Каримов ташаббуси билан мамлакатимизда ёш авлоднинг соғлом ва баркамол инсонлар этиб вояга етказиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан этиб белгилангани, юртимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга, аҳолини, айниқса ёшларни

спортга жалб этишга алоҳида эътибор қаратилаётгани ўз самарасини бермоқда. Руслан Чагаевнинг катта спортда эришган ушбу тарихий ғалабаси бунинг ёрқин далилидир.

Спорт оламига энди кириб келаятган кўпчилик болакайлар сеvimли спорт юдузларига ўхшаган ҳаракат қилади. Руслан Чагаев ҳам болаликда ҳаваскор боксчилар ўртасида биринчи ўзбек жаҳон чемпиони Руфат Рискиев, Муҳаммад Али, Майк Тайсон каби машҳур боксчиларга ҳавас қилган бўлса, не ҳавас.

Ҳаваскор боксчилар ўртасида Р. Рискиев эришган натижаларини икки маротаба такрорлаган Руслан Чагаев қачонлардир америкалик М. Тайсоннинг беллида қақнаган олтин камарини бугун юртимизга олиб келди. Шундай қилиб, унинг ўзи энди ёш спортчиларимиз учун ибрат намунасига айланди.

Ўзбекистон — муқаддас замин. Унда улағаятган миллият фарзандлари ўзбекистонимизга қодир эканликлари дунё майдонидан намойиш этиб келаятгани гуруримизни оширади.

Ушбу муваффақиятнинг Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда спортни ривожлантириш, жисмонан соғлом авлодни вояга етказишга берилган катта эътибор самарасидир.

Иброҳим ФАЙЗУЛЛАЕВ, Аҳмад НАРЗУЛЛАЕВ, Ўзбекистон Қаҳрамонлари, Сурхондарё вилояти, Денов тумани.

Руслан Чагаевнинг пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт мажмуида машғулот ўтказаятган ёш боксчилар билан учрашуви жаҳон чем-

пионининг метиндек мустақам кафтини қисийга муваффақ бўлган болалар хотирасида бир умр муҳрланиб қолиши, уларни янги зафарлар сари руҳлантириши, шубҳасиз.

Сурхондарё вилояти, Денов тумани.

Давоми 2-бетда.

## ЛИТВА ДЕЛЕГАЦИЯСИ ЎЗБЕКISTONDA

Мамлакатимизга расмий ташриф билан келган Литва Республикаси ташқи ишлар вазири Пятрас Вайтекунас 20 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Эркин Халилов билан учрашди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Литва ўртасидаги алоқалар барча соҳаларда, жумладан, парламентаризм соҳнасида ҳам изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

— Бугунги кунда мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик нафақат сиёсий, балки савдо-иқтисодий ва гуманитар соҳаларда ҳам изчил ривожланмоқда, — деди Пят-

рас Вайтекунас. — Литвада ўзаро муносабатларни, айниқса, транспорт коммуникациялари соҳнасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга қизиқиш катта. Алоқаларни ривожлантириш ва кенгайтиришнинг имкониятлари кўп.

Учрашувда Ўзбекистон билан Литва ўртасидаги парламентлараро муносабатларнинг бугунги аҳоли ва истикболига доир масалалар юзасидан фикр алмашилди. Литва ташқи ишлар вазири Ўзбекистон ташқи ишлар вазири В. Норов би-

лан музокара ўтказди.

Ўзбекистон ва Литва ишбилармон доираларининг бизнес-форуми бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Савдо-саноат палатаси ҳамда Литва Халқро савдо палатаси ташкил этди. Анжуманда ташқи иқтисодий алоқалар, иқтисодий, қишлоқ хўжалиги, транспорт коммуникациялари, сайёҳлик соҳнаси учун масъул вазирлик ва идоралар, қатор компания ва концернлар раҳбарлари иштирок этди.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистонимиз баҳорининг гузаллиги ташрифларга сиймайди. Мана шу юрт баҳорини кўрган бир шоир «Жаннатларда топиламайди бу ўлка» деб беҳизга лутф қилмаган. Бу жўшқин, шонорна таърифу тавсифда улкан ҳақиқат мужассам.

Нигоҳ

## Кенгликларда яшнаш, яшариш

Ўзбекистонимиз — Аллоҳ назар қилган ва ардоғида авайлаб келаятган бир заминдир. Унинг кўкламдаги жамоли, гузаллиги кўнглимизни беҳад ошурта этади. Баҳорда Ўзбекистоннинг ишонарли қиру адирлари, лозорларга бурканган тоғ ён-бағирлари, минг бир рангда жилланган дашт саҳралари, оппоқ сўтдай қўриқиб, тошиб, чаппор уриб гуллаган боғла-

ри, ям-яшил зироватга бой далалари кишини энтктириб юборади.

Шу билан бирга, халқимизда «Йил — йилга ўхшамайди, ҳар йилнинг ўз феъл-атвори, равиш-ҳолати бор» деган гап бор. Бу гап эса неча минг йиллик кузатиш ва тажрибалардан тузилган ҳулосадир.

(Давоми 2-бетда).

## ТАШРИФ САМАРАЛИ БЎЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг шу йил 17-19 апрель кунлари Миср Араб Республикасига расмий ташрифи ўзаро ҳамкорликни барча соҳада янги логнага олиб чиқушга хизмат қиладиган натижалар билан якунланди. Жумладан, 15 ҳужжат имзоланиб, ишбилармонлар ўртасида қўллаб-қувватловга эришилганининг ўзи натижанин нечоғли салмоқли эканлигидан далолатдир.

Мисрга ташриф асносида Президент Ислон Каримов ушбу мамлакат Президенти Хусний Муборак, Бош вазири Аҳмад Назиф, Парламент Халқ кенгаши (қуйи палата) раиси Фаҳий Сурур, ташқи ишлар вазири Аҳмад Абулгай билан учрашди. Мулоқотлар чоғида Ўзбекистон билан Миср ўртасида савдо-иқтисодий, сарможий, илмий-техникавий, ижтимоий-маданий ҳамкорликни ривожлантириш, парламентлараро алоқаларни мустақамлаш,

ташқи сиёсат мақамаларининг маслаҳатлашувларини мунтазам йўлга қўйиш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Биз расмий делегация аъзоларидан Президентимизнинг мазукур ташрифи ва унинг натижалари ҳақида фикр-мулоҳазаларини баён қилишни сўрадик.

(Давоми 2-бетда).

## ЛИТВА ДЕЛЕГАЦИЯСИ ЎЗБЕКИСТОНДА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раисининг ўринбосари Н.Қосимов олий даражадаги учрашувларда қабул қилинган ҳужжатлар мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантиришда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади. Форумда литвалек ишбилармонларга мамлакатимиз иқтисодига сармоя жалб қилишнинг устувор йўналишлари ва хорижий сармоядорлар учун яратилган қулай муҳит, зарур шароит ва имтиёзлар ҳақида маълумот берилди.

2006 йилда икки мамлакат ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳақми 42 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Ўзбекистонда Литва сармояси иштирокида йигирмага яқин қўша корхона фаолият кўрсатмоқда. Улар тўқмачилик, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, пойабзал, машинасозлик, электротехника сонаоти каби соҳаларда иш юрляпти.

Ўзбекистондан Литвага пластмасса ва пластмасса буюмлар, нефть кимёси маҳсулотлари, механик ускуналар, пахта толаси, қора металл, мева-салба-ват каби маҳсулотлар экспорт қилинади. Литвадан Ўзбекистонга транспорт воситалари, механик ускуналар, сут, шакар ва қандолат маҳсулотлари, кимёвий тола, резина, мелиоратив маҳсулотлари импорти қилинади.

— Юртимизга ташриф асосида Ўзбекистонда нафақат савдо-иқтисодий, балки бошқа соҳаларда ҳам ҳамкорликни йўлга қўйиш учун қулай шароит мавжуд эканлиги яна бир бор амин бўлди, — деди Литва Халқаро савдо палатаси Бош директори Альгимантас Актинас. — Келажакда мавжуд имкониятларни тулғи ишга солган ҳолда ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш тарафдоримиз.

Литванинг йигирмага яқин йирик компанияси вакиллари иштирок этган ушбу анжуманда «Литва» (Миллий автомобиль ташувчилари уюшмаси), «Marjampolis pieno konservai» (сут ва ҳақва маҳсулотлари), «Vyrubal Gyis Vysniauskas» (агротехника ускуналари) ҳамда «Serpantinas» (тиббий жиҳозлар, электрик ускуналар, кондицио-

нер ва ҳаво тозаловчи мосламалар савдоси) каби қўлаб фирмалар Ўзбекистон бозоридида ўз ўрнини кенгайтириш ниятида эканлиги таъкидланди. Форумда икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни янада кенгайтиришга, жумладан, Литва компанияларини мамлакатимиздаги хусусийлаштириш жараёнига кен жалб этишга оид масалалар атрофида битим имзоланди.

Бизнес-форум якунида Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси билан Литва Халқаро савдо палатаси ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланди.

Шундан сўнг Ўзбекистоннинг қатор компания ва корхоналари ҳамда Литва ишбилармон дорларлари вакиллариининг кооперацион бижраси бўлиб ўтди. Унда литвалек ишбилармонлар Ўзбекистонда шериқлар билан сўйхлик, банк иши, кимё сонаоти, тўқмачилик, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, мелиоратив, мева-салбават савдоси, қандолат ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш каби соҳаларда ҳамкорликни йўлга қўйишга келишиб олдилар.

\*\*\*

Литвалек меҳмонлар Темурйиллар тарихи давлат музейида Сохибқирон ҳамда унинг авлодлари ҳамда ҳўжа қилуви эхсонатлар билан таниди.

П.Вайткус Амр Темур фаолияти, унинг бепон салтанати, Улуғбек ва Бо-бурдек алломаларни ештирган сулоласи, Сохибқироннинг шахон тарихида турган ўрни ҳақида ёрқин тасаввурга эгза бўлганини таъкидлади.

— Темурйиллар тарихини ўзида мукжасам этган ушбу музейида жуда катта таассурот колдирди, — деди П.Вайткус. — Темурйиллар тарихи музейини кузатар эканман, ўзбек халқининг бой тарихига эгза эканлиги яна бир қарам амин бўлдим. Марказий Осиё минатқасида етакчи ўрнни тутуви Ўзбекистонда бехад давлатга ташриф бурганнидан бехад мамнуман.

Ноира МАНЗУРОВА,  
Ирода УМАРОВА,  
ЎЗА мухбирлари.

## МАМЛАКАТ бўйлаб

### Чагаевнинг Руслан укаси

— Хамюртимиз Руслан Чагаев профессионал боксинг WBA йўналиши бўйича ўта оғир вазнда жажон чемпиони бўлган кунни Андижондаги 3-болалар туғуруқхонасида қувончли воқеа рўй берди. Юртдошимиз Надежда Яковлева ўғил фарзанд кўрди.

— Халқимизнинг мард ўғлини эришган улкан ғалабадан бошим осмонга етди, — дейди у. — Яхши ният йа ўғлимга Руслан деб исм қўйдим. Отдошинг изингдан бориб, Сендек юртимиз шўхратини оламга ёйсин, Руслан Чагаев!

### Фарғонада кино байрами

Марғилонда «Ўзбеккино» миллий агентлиги ҳамда Фарғона вилоят ҳокимилик хамкорлигида ташкил этилган «Ўзбек миллий кино санъати кунлари» ҳафталиги бўлиб ўтди. Ушбу тантанали тадбир «Нурхон» театрида Юртбошимизнинг «Ўзбекистон XXI аср бугасида» деб номланган китоби бўйича суратга олинган ҳужжатли фильм намойиши билан бошланди.

Политехника институти ва нефтини қайта ишлаш корхонасидаги учрашувларда Ўзбекистон Қажрамони, халқ артисти Зи-

### Халқ театрлари фестивали


Самарқандда хаваскор халқ театр жамоалари ва кўчирок театрларининг анъанавий республика кўчирок-фестивали бошланди. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Республика халқ иқодиети ва маданий-маърифий ишлар илмий методик маркази, Халқаро «Олтин мерос» ва «Маҳалла» жамоармалари ҳамда «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши билан хамкорлигида ташкил этилган ушбу фестивал Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигига бағишланди. Унда республикамизнинг барча вилоятларидан бадий хаваскорлик жамоалари иштирок этмоқда.

Айни пайтда иқодиий жамоалар вилоятнинг шажар ва туманларида бўлиб, саҳна асарларини намойиш етишмоқда.

### Она ва бола этиборда

Мамлакатимизда оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш устувор вазифалардан саналади. Зеро, фарзандлари соғлом келажакни парлоқдир.

Қорақалмоғистон Республикасининг Қўнғирот туманида туғуруқ ёишдаги 35 минг нафардан кўчирок аёл истискомат қилади. Улар соғлом фарзанд кўришлари, бошим кўришдан ўтиб туришлари учун барча шароит яратилган. Туман марказий шифохонаси қошида 150 ўринли туғуруқ мажмуи бор. Олий таофили шифокор-гинеколог Зуфия Ботабаева (суратда) раҳбарлик қилаётган мажмур мажмуида 17 нафар тажрибали шифокор ва 78 нафар ўрта тиббиёт ходими меҳнат қилади. Энг қувончлиси, улар хизматидаги туман аҳли мамнуд.



Б. АЛЛАШЕВ (ЎЗА) олган сурат.

Жорий йилнинг 21-25 апрель кунлари пойтахтимида илк бор «Ўзбекистон тасвирий санъати ҳафталиги» бўлиб ўтади. Айни кунларда Ўзбекистон Бадий академиясида ушбу тадбирга қизгин тайёргарлик кўрилмақда.

### Ўзбекистон тасвирий санъат ҳафталиги чорлайди

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида миллий тасвирий санъатимизни ривожлантириш, унинг замонавий йўналиш ва услублардан халқимиз, айниқса ёшларни тўлақонли баҳраманд этиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Айни пайтда санъатнинг барча йўналишлари каби тасвирий санъат, ҳунармандлик, халқ амалий санъатида изланаятган иждоқларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, янги иқодиий парвозлар сари чорлаш доимий диққат-этиборда.

Ўзбекистон Бадий академиясидан ЎЗА мухбирига маълум қилишларича, юртимида илк бор ўтказиладиган «Тасвирий санъат ҳафталиги» ҳам кизикarli ва ранг-баранг тадбирларга бой бўлади. Узига хос санъат байрамига айланган ушбу ҳафталикда бадий кўргазмалар, маҳорат сабоқлари, иқодиий учрашувлар, миллий санъатимизга оид китоблар савдо-ярамар-қаси ташкил этилади. Шу билан бирга ўзбек тасвирий санъати ривожига катта ҳисса қўшган устоз мусаввирлар, қўли гул уста ва ҳунармандлар ҳаёти ва фаолиятига оид теле ва кинофильмлар намойиш этилади.

Беш кун давом етадиган санъат байрамининг ҳар бир кунини ранг-тасвир, ҳайкалтарошлик, миниатюра, миллий ҳунармандлик ва амалий санъат, дизайн синнари тасвирий санъатнинг муайян йўналишига бағишланши билан ҳам аҳамиятлукидир. Бадий академиянинг Марказий кўргазмалар залида санъат иқсомландлари, талаба-ёшлар, ҳориклик меҳмонлар санъат асарларининг яратилиши жараёнининг гувоҳи бўлишлари мумкин. Ҳафталиқнинг энг фалон иждоқкорлари тадбир ташкилотчиларининг қимматбахо совға ва дипломлари билан тақдирланганди.

«Халқ сўзи» ва ЎЗА мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Хамюртимизнинг россиялик машҳур боксчи Николай Валуевага қарши жангда эришган улкан ғалабасига бағишланган тадбирлар — учрашувлар, спорт мусобақалари, концертлар бутун мамлакатимиз бўйлаб давом этмоқда.

Ўзбек йилги Рустам Қосимжонов шахмат бўйича жажон чемпиони тожини кийганида халқимиз ана шундай ҳаяжонли дамларни бошидан кечирган эди. Энди Руслан Чагаев дунёдаги энг зур боксчи эканлини олам аҳлига исботлади. Ўзбек ёшлари, Ўзбекистон фарзандлари юксак салоҳиятининг доврлари яна етти иккимга ёйлди.

Ўзбекистон Ташки иқтисодий фаолият миллий банки стадиони 20 апрель оқшомида байрам тусини

## РУСЛАН ЧАГАЕВ: ҒАЛАБАМНИ ВАТАНИМ МУСТАҚИЛЛИГИГА БАҒИШЛАЙМАН

олди. Бу ерда карнай-сурнай садолари янграб, талаба-ёшлар, ўқитувчи ва мураббийлар, спортчилар, спорт ишқибозлари, адиллар, санъаткорлар, кенг жамоатчилик вакиллари йилгиди. Хаммининг юзида қувонч, фахр-ифтихор, тилида — «Руслан», «Ғалаба!»

Майдонга карнай-сурнай садолари, минглаб мухлислар олқушлари остида бокс бўйича жажон чемпиони Руслан Чагаев кириб келди.

Катта байрам тадбири бошланди.

Тантананда Ўзбекистон Қажрамони, халқ шоири Абдулла Орипов, «Қамолот» ёшлар иқтисодий характи марказий кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Гўлрўх Ўзбеков, профессионал бокс бўйича жажон чемпиони Артур Григорян сўзга чиқиб, Русланининг ушбу тарихий ғалабаси халқимизнинг қўсини тоғдай кўтарганини таъкидлади. Бу ғалаба



Руслан Чагаев ва унинг мухлислари.

замирида Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда ёш авлодини соғлом ва баркамол инсонлар этиб вонга етказишга қаратилган улкан эътибор тўғрисида мақтабгача таълим муассасаларида бонларда спортга меҳр ўргатиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, ёш авлодининг спорт билан шуғулланиши учун барча шароитлари яратиб берилса амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар самараси мукжасамдир.

Германиянинг Штутгарт шаҳрида ўтказилган учрашув ҳақими ғалаба қозонганини ёшлон қилганида мени халқим, мустақил Ватанимдан чексиз фахр-ифтихор туйғулари қўйиб олди, — дейди Руслан Чагаев. — Ўйлан ва мурасис жажон чемпиони Артур Григорян мени чин дилдан қўллаб-қувватлаб турганини чўқур хис қилиб турдим. Айниқса, давлатимиз раҳбари Ислам

Каримов ушбу масъулиятли беллашув олдидан менга оталарча омад тилагани кўнмига-кўч, ғайратимга-ғайрат кўшиди. Ғалабамни юқори баҳолоб-буюк хизматлари учун орден билан тақдирлагани ва бутун ушбу юксак мукжосоти менга шахсан ўзларимиз топишигани учун Юртбошимиздан бехад миннатдорман. Эришган ғалабамни Ватаним — Ўзбекистон мустақиллигига бағишлайман!

Тадбирда ёш спортчиларинг чиқаришлари мушоррага, мушорра дилкаш наволагара, қўшиқлар эса жомбази рақсларга уланиб кетди.

Анна ИВАНОВА,  
Зоҳир ТОШҲУҲАЕВ,  
Воҳид ЛҲҚМОНОВ,  
ЎЗА мухбирлари.  
Темур ҚҮРБОНОВЕВ олган сурат.

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Рустам ҚОСИМОВ — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, олий ва ўрта махсус таълим вазири: — Давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг ташрифиди Ўзбекистон билан Миср ўртасидаги ўзаро муносабатларга доир кенг камровли масалалар юзасидаги фикр алмаштириш, илгари қабул қилинган қарорлар иқросининг боришини ҳамда янги лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш имкониятларини кўриб чиқиш учун қулай имконият яратди. 2007-2010 йилларга мўлжалланган маданий ҳамкорлик дастури дўстлик ришталарини, ўзаро англашув, ишлон ва ҳурмати мустаҳкамлаб, халқларимизни янада яқинлаштирди.

Фан ва таълим соҳасидаги ҳамкорлик иқчил ривожланмоқда. Жумладан, Ўзбекистон ва Мисрда таълим бераётган ўқитувчилар сонини оширишга

келишиб олинди, яъни улар сонини 2-3 қара ешди. Шунингдек, академик дорлар махсус гуруҳлар тўзиб, тегишли соҳалар бўйича биргаликда тадқиқотлар олиб борди.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кўлбохонаси билан Мисрнинг Исхандария кўлбохонаси ўртасида имзоланган ҳамкорлик тўғрисидаги протоколнинг алоҳида таъкидлаш жоиз. Мисрнинг мажмур кўлбохонасида Абу Али ибн Сино, Азизуддин ибн Мухаммад ан-Насавий, Мухаммад Исо ат-Термизий каби алломалиримиз асарларининг дунёда ягона нусхалари сақланади. Ташриф асосида Ўзбекистон ва Миср олимларидан иборат ишчи гуруҳини тўзиб, ўзбек заминиде етишиб чиққан иқти юзга яқин аллома ҳақида китоб яратишга келишиб олинди. Қоҳирага ташриф давомида Араб давлатлари лигаси Бош котиби Амр Мусо Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовга Абу Райҳон Бериуний, Абу Али ибн Сино, Азизуддин ибн Мухаммад ан-Насавий, Бурҳонуддин Марғиноний каби буюк аждодларимиз асарларининг нусхаларини топшириш ҳам гоат мумим воқеадир.

Миср ҳўқумати мамлакатларимиз халқларининг кўп аслик илмий-амалий алоқалари тимсоли сифатида Қоҳирада буюк бонимиз Аҳмад ал-Фаронийга хай-қалб урнатилган қарор қилгани ва Президент Ислам Каримовнинг ташрифиди доирасида ушбу хай-қалбнинг расмий очилиш маросими бўлиб ўтгани алоҳида аҳамиятга эга.

Алишер ШАЙХОВ — Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси: — Президентимиз Ислам Каримовнинг Миср ташрифиди Ўзбекистон ва Миср учун янги бозорларни очиш масалалари юзасида самарали мулоқотлар ўтказилгани билан ҳам аҳамиятга эли. Расмий муокарапар ҳамда ишбилармон анжумани доирасида имзоланган ҳужжатлардан келиб чиқиб, Мисрга Ўзбекистон товарларини Африка китъаси томон йўналтириш учун

## КЕНГЛИКЛАРДА ЯШНАШ, ЯШАРИШ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Худди шу халқона донишмандликни ривожлантирган ҳолда, Президентимиз бу йилги Наврўз байрамига бағишланган тантанали маросимдаги табир сўзларида: «Яхши одам — кўзидан, яхши йил — Наврўздан маълум» деган ақоийб ҳикмати, халқона ғўзал иборани тилига олдилар.

Бутун юртимида ҳар бир қарич ер тозалик, поклик, озодалик сари юз бурди. Маҳаллар, қўчалар, аҳоли турар жойлари ободонлаштирилди, арик-зовурлар тозаланди, зиератгоҳлар, қабристон ва табаруру қадамқолар тартибга келтирилди. Неча 10 минг туллаб мевали, манзарали дарехт, гул кўчатлари экилдди. Наврўз илк қадамларидан ҳўртимизга ана шундай эл ва қўнғил ободликларини бошлаб келди.

Ҳар кимнинг ниятига яраша, деган яна бир нақл бор халқимизда. Элимиз пок, хайрли амаллар, нияту истаклар билан Наврўзни қаршилаган бўлса, фасли баҳор ҳам юртимиизга ўз саховатини тортиқ етди. Март ойи сернам, серғин бўлди. Унинг тасвирида атроф-борилик қул уриб яшанади. Киру адларда булик ўт, майсалар авжланмоқда. Чорвамиз ярамқода. Бунинг устига, мамлакатнинг лалмикор ва суғориладиган ерларига экилган ғалларлар, шунингдек, бедазорлар, боғлар гурираб ривож топаятипти, ана шу аломатларга қараб, Аллоҳ баракасини берган йил келди, деб ишон бошим айтимиз келди.


Юртбошимиз айтганларидек, ўзбек дехонига тенг келадиган заматмах дунёда топилмайди. Нияти тоза, яратиб, қуриш, ободонлаштиришни севадиган бу халқ — бизнинг бахтимиз, энг бебаҳо қадрияти-

мииз, суянган тоғимиздир. Бу халқ бор экан, юртимиизда баҳорнинг бир табиий имконияти юз, юз имкониятта айланади. Замин ободонлиқка ва фаровонлиқка юз тутаверади.

Бу йилги баҳорини элимиз, энг хайрли мақсад ва амаллар билан кўтиб олди. Деҳонларимиз шартнома режаларига қўра, 3 миллион 600 минг тонна пахта ҳисоли етиштирилганга, ғаллар майдонларидан 2 миллион 400 минг тонна товар дон ва 297,1 минг тонна уруқлик дон олишга аҳд қилган. Шундай улкан мақсадларда 2007 йилда 1 миллион 266 минг гектар ерда, шу жумладан, 203 минг гектар лалмикор майдонда ғалла қўқуририлди. Пахта ҳисоли кўқуриладиган 1 миллион 391,4 минг гектар суғориладиган ерда эса шу кунларда иш қизин, чексиз далаларда тракторлар кечаю кўчүз ишламоқда.

2007 йилнинг баҳориде 200 мингта янги фермер хўжалиқлари катта ихлосу фидойилик билан иш бошлади. Бу хўжалиқлар таркибиде деярли 1,5 миллион киши бор. Уларнинг мамлакат қишлоқ хўжалигиндаги ўрни ва мавқеи тобора охиб борапти. Бу йил Ватанимиизда етиштирилган пахта ҳисолининг 81 фоизи, ғалла ҳисолининг 86 фоизи ана шу азамат жамоалар ҳиссасига тўри келди. Бу — жуда катта кўрсаткич. Тилагимиз шуки, Аллоҳ фермерларимизнинг баҳорини берсин, далаларига битмас-туғанмас файзу барак бағишласин.

Вазирлар Маҳкамасининг йил якуналарига ва 2007 йилнинг энг мумим устувор йўналишларига бағишланган мажлисида Юртбошимиз мамлакат қишлоқ хўжалигини янада ривожлантиришга доир гоатда мумим вазифаларни белгилаб бердилар. Қишлоқларини обод этиш, қишлоқ аҳолисининг да-



Ер, сув ва ҳаво — тириклик манбаи. Шу боис табиатнинг бу бебаҳо неъматларидан самарали ва оқилона фойдаланиш инсониятнинг эзгу анъанасига айланган. Мутахассисларнинг фикрича, фан-техника тараққиети ва бошқа бир қатор омиллар атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатиб, глобал муаммоларни келтириб чиқармоқда.

## ТАБИАТНИНГ БЕБАҲО МҶЪЖИЗАСИ

Бу ноҳу ҳолатнинг олдини олиш мақсадида дунё ҳамжамияти ўтган асрнинг 70-йилларидан бошлаб жиҳидий чора-тадбирлар кўришга киришди. Хусусан, 1992 йилда БМТ ташаббуси билан Рио-де-Жанейрода (Бразилия) «Атроф-муҳит ва барқарор ривожланиш» мавзуида халқаро конференция ташкил этилиб, унда «XXI асрга ташриф» дастури қабул қилинди. Кейинроқ «Ер муаммолари бўйича олий даражадаги учрашу» номи билан ушбу конференцияда атроф-муҳит му-саффалиги борасида глобал ҳамкорлик қилишга эришилди.

Бош Қомиссиянинг 55-моддасида «Ер, еро-ошиқлиги аниқланди. Бундай ҳолатта йўл қўйган мансабдор шахсларга нисбатан эса интизомий ва маъмурий жазо чоралари кўрилади.

Юртимиизда суғориладиган майдонларининг шароити, механик таркиби, шўрланч даражаси, гипсининг маҳдудлиги ва топланиш даражаси, унинг эрозияга мойиллиги ҳақида эътиборда. Аммо айрим ҳудудларда ердан кўр-қўрона фойдаланиш оқибатида уларнинг ўқурилиши даражаси ортиб, шамол ва сув эрозиясига учраши қузалимоқда. Мисол учун, 2 млн. гектарга яқин майдон сув ва шамол эрозиясига учиради. Суғориладиган майдонларда шамол эрозисини, асосан, Фарғона vodiysининг гарбий ва марказий қисми, Бухоро вилояти, Миранча-чўлининг шимолий-гарбий қисми, Қашқадарь ва Шеробод чўллари, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятларининг энгил механик таркибли, қумли, қумқоқ ҳамда енгил қумқоқли туپроқларида кен тарқалаётгани қузалимоқда.

Мутахассисларнинг фикрича, ерининг мелиоратив ҳолатини яқинлаштириш, алмашлаб экишни жорий этиш, сувдан самарали фойдаланиш, минерал ва органик ўғитларни меъёрида ишлатиш, шунингдек, ердан фойдаланишда рағбатлантириш механизмиларини такомиллаштириш ҳамда ихтисозлар таъкил этиш туپроқ эрозисининг олдини олишда мумим восита бўлиб хизмат қилади.

Шу мақсадда ҳўқуматимиз томондан ер ҳолатини яқинлаштириш мақсади билан ишлар олиб борилмақда. Бу хайрли ишларга Жаҳон банки, Осиё Тараққиёт банки, ЮНЕП, ЮНЕСКО ва бошқа халқаро ташкилотлар жалб этилиб, 13 та устувор лойиҳа амалга оширилмоқда. Бундай чора-тадбирлар пировардиде бизни қийдирадиган ва тўқидирадиган ана заманимиз соғлигини сақлаш, унинг умумдорлигини оширишга хизмат қилади, албатта.

22 апрель — Умумжаҳон Ер куни

Саидом ХАЙДАРОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

ЖАҲОН

24 соат ичида

Фойдаланувчиларни кўпайтириш учун

«Microsoft» корпорацияси «Windows» компьютер дастурларини ривожлантаётган давлатлардаги мактаблар учун махсус арзонлаштирилган нархда, яъни 3 доллардан сотишни бошлади.

Парламент Басескуга қарши

Руминия парламенти мамлакат президенти Траян Басескунинг ваколатларини вақтинчалик тўхтатиб қўйди. «Ассошиэтед пресс» ахборот агентлиги хабарига айтилишича, Траян ўз хизмат ваколатларини суиистеъмол қилганликда гумон қилинаётган 322 депутат ушбу масалани кўлаб-қувватлаган бўлса, 108 депутат бу қарорга қарши овоз берди.



Талаб бажарилмагач...



Ироқда жангарилар томонидан гаровга олинган 20 нафар ҳарбий хизматчи ва полиция ходими қатл этилгани акс этган видеотасма интернет орқали тарқатилди. Жангарилар ҳукумат олдида кўйилган талаб 48 соатда бажарилмагандан сўнг гаровдагилар ўлдирилгани маълум қилишган.


Франция ва Руанда судлашмоқда

Руанда Францияни БМТ Халқаро судига берди. «Ассошиэтед пресс» ахборот агентлигининг хабар беришича, Франция Руанданинг халқаро ҳуқуқларини поймол қилган. Франциялик судья Жан-Луиз Брюгьер ўтган йили ноябрь ойида Руанда президенти Паул Кагамега ақин бўлган тўққиз-

та сиёсатчини қамоққа олиш тўғрисида ордер берган эди. Судья уларни олдинги президент Жювенал Хабияриманнинг ўлимига алоқадор деб ҳисобламоқда. Бундан ташқари, Брюгьер ҳам БМТ Халқаро судига мурожаат қилиб, Паул Кагаменинг устидан жиноий иш кўзгатишни сўраган.

Бесамар музокаралар

Шимолий ва Жанубий Корея давлатлари расмийлари икки давлат ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни тиклаш юзасидан олиб борган музокаралар самарасиз яқунланди. Расмий Сеул Шимолий Кореяга мамлакатдаги Йонбён ядро реактори ёпилмагунча гуруч етказиб беришни тўхтатди.



Жанубий Корея мамлакатда ядро тадқиқотлари тўхтатилиши эвазига қўшнисига 500 минг тонна гуруч ва 50 минг тонна ёнилғи етказиб беришни ўз зиммасига олганди.


Собиқ бош вазирнинг режаси

Италиянинг собиқ бош вазири Сильвио Берлускони «Telecom Italia» компаниясининг 18 фоизлик акциялар пакетини сотиб олмоқчи. У шу тариқа ўз бизнесини кенгайтиришни режалаштирмоқда. Айни пайтда Сильвио Берлускони мамлакатдаги учта йирик телеканалга эгаллик қилиб келаётган.

кўрсатувчи йирик компаниялардан бири ҳисобланади. Бугунги кунда у 24 миллионга шаҳар телефонлари, 31,5 миллионга уяли алоқа телефонли абонентларига эга. Бундан ташқари, компания бутун Европа бўйлаб 8,7 миллион нафар аҳолига интернет хизматларини кўрсатади. «Telecom Italia»нинг қиймати 81,2 миллиард долларга баҳоланмоқда.

Хориж мабуоти хабарлари асосида тайёрланди.

SIRUBA



184-83-25 184-83-26 142-77-03

Хоразм вилояти Хонқа туманида рўйхатдан ўтган «Хонқа гуруч» масбулатчи чекланган жамияти ташкилининг 2007 йил 12 апрелдаги умумий йилги 8-сонли байномасига асосан ўз фаолиятини давом эттирилади. Мурожаат учун тел/факс: 83623991053.

МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ - ЯНГИЛАНИШ, ТАРАҚҚИЁТДИР

Хабарингиз бор, Президент соврини учун «Ташаббус-2007» кўрик-танловининг республика босқичи якунидан аввал пойтахтдаги «Узэкспосавдо» мажмуида тадбиркорлик, хунармандлик ва фермерлик субъектлари махсулотларининг ярмаркаси ташкил этилди.

Унинг эътирофи сабаб бўлди-ю, корхона фаолияти билан танишдик.

Хусусий фирмани очишдан олдин биз бозорни обдон ўргандик, — дея ҳикоя қила бошлади Олим Фозилов. — Маълум бўлишича, нафақат вилоятимизда, балки юртимизда ҳам эркаклар ва болалар костюм-шмиллари ҳамда пальталарига талаб ва тақлиф катта экан. Шунини эътиборга олиб, республика Савдо-саноат палатаси кўмағида Япониянинг «Brother», Германиянинг «Durkopp Adler» фирмаларидан замонавий тикув машиналари, Туркиянинг «Maika» фирмасидан дазмон ва пресслаш дастгоҳларини келтириб ўрнатдик.

2002 йилда эса иш бошладик. Ушанда фирмамизда бор-йўғи 12 киши ишлаган бўлса, бугунги кунда 50 нафар одам меҳнат қилмоқда. Бир йиллик ўртача айланма маблаг ҳажми 36 миллион сўмга тўғри келаяпти. Негаки, республикамизнинг барча худудларидаги кўлаб дўконлар ва супермаркетлар шартнома асосида жаҳон андозларида мос тикилган махсулотларимизни сотиб олмоқдалар.

Энди бундан ўзингиз хулоса чикаринг: шундай рақобатбардорли махсулотларимиз қанча кўп бўлса, чет элнинг нархи ўзини оқламайдиган товарларига ҳоҳат қоладими? «ОFS» хусусий фирмасининг таърибаси эса, дақиқонусдан қолган дастгоҳлар билан таъминланган корхоналарда эмас, аксинча, ишлаб чиқариш модернизация қилинган, техник ва технология жиҳатдан янгилашган субъектлардагина хари-дортир махсулотлар тайёрлаш мумкинлигини исботламоқда.

Модернизациялаш қанчалик фойдали ва истиқболли эканлиги «Қарши ёғ-экстракция қўшма корхонаси» очиқ акциядорлик жамияти фаолияти яққол мисол бўла олади. Ушбу корхонанинг йиллик қуввати 126 минг тонна пахта чигитини қайта ишлашга мўлжалланган бўлса-да, илгари унинг атиги 50-60 фоиздан фойдаланиларди. Бу, албатта, жамоанинг молиявий аҳолига салбий таъсир кўрсатар эди. Молиявий аҳоли носоголм бўлган ҳоҳида эса, аввало, катта миқдорда зарар хисобига сифатсиз, истеъмол учун яроқсиз ўсимлик ёғи ишлаб чиқарилади.

Қолаверса, инсон ҳаёти учун муҳим соҳалар — яшаш тарзини яхшилаш, соғлиқни сақлаш, кадрлар малякасини ошириш, иш ўринлари барқарорлигини таъминлаш, одамларнинг руҳиятини кўтариш каби ижтимоий масалаларни ҳал этиш вазифалари аро йўлда қолади.

Қарши ёғ-экстракция заводида ҳам шундай ачинарли ҳолат ҳукм суради. Мавжуд қанчилиги нуқсонларга чек қўйиш мақсадида 2005-2006 йилларда вилоят ҳокимлиги ва бошқа тегишли компания ҳамда уюшмалар ёрдамида хорижий илгор технологиялар, экстракция ускуналари келтирилди, эскиларни янгилашга алмаштирилди. Шу билан бирга, 8 минг тонна чигит сақланадиган 2-оғир қурилди, буг қозонларидан тутун чиқарувчи



етди. Бундан ташқари, бир йилда 842 тонна оқланган истеъмол ёғи, 2812 тонна шрот, 320 тонна шелуха кўп ишлаб чиқарилди. 3173 тонна истеъмол ёғи эса жаҳон стандартларига жавоб берадиган «ПТ» идишларига қадоқланди. Табиийки, корхонада махсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми ва сифати ошганиги туфайли баланс фойдаси ҳам, соф фойда ҳам ортди.

Шу билан «Бундан ишчи-хизматчилар қандай наф қўрмоқдалар?» деб сураганимиз мумкин. Жамият бош ҳисобчиси Ш. Гаффоровнинг айтишича, икки йил мобайнида ишчилар сони 528 кишидан 592 кишига кўпайган, ҳар бир бўлим ва цехда уюлгана ювенил ва шахсий гигиена хоналари қуриб берилган, ишга келиб-кетишлари учун махсус авто-

буслар ажратилган. Шу билан бирга, меҳнат аҳлига ҳар қандай энг кам иш ҳақининг уч баробари миқдорда оғват пули, чорак ва йил якунлари бўйича мукофот берилди, ёрдамчи ҳўжалиқда етиштирилган деҳқончилик махсулотлари эса арзон нархда сотилади. Айни чоғда касал бўлганлар шифохонада бепул даволанмоқда, таътилга чиққан ходимларга санаторийларда дам олишлари учун жаҳон харажати-нинг 50 фоизи корхона маблаг ҳисобидан тўланаётди.

— Давлатимиз раҳбари Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил якунларига бағишланган мажлисидаги маърузасида сифатли технологиялар, экстракция ускуналарига эга бўлмаган, катта зарар эвазига сифатсиз, истеъмол учун яроқсиз ўсимлик ёғи ишлаб чиқариётган ёғ-мой комбинатларини қаттиқ танқид қилди, — деди пировардида Ш. Гаффоров. — Биз бундан тўғри хулоса чикариб, келгусида ҳам модернизациялаш ишларини изчил давом эттирамиз, сифатли махсулотларимизни нафақат ички бозорга, ҳатто хорижга чиқарамиз.

Мана, сизга ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технология жиҳатдан қайта жиҳозлашни шартлари, унинг сизу биз кутаётган ҳақиқий махсули!

Юртбошимиз жорий йилда ўртача иш ҳақини камида учдан бир миқдорда, яқин уч йил давомида уни 2,5 баробар ошириш вазифасини ўртага қўйгани — бу амалда ҳозирнинг ўзидаёқ мамлакатимиз иқтисодий ривожини устувор ва таъминли раёвда яратилганини тасдиқлайди.

Иқром УТБОСАРОВ.

Президентимизнинг 2007 йил 14 мартда имзолаган «Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технология қайта жиҳозлашни рағбатлантиришга оид қўшма чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони айнан шу мақсадни кўзда тутиши билан аҳамиятлидир. Бу ҳужжат талабларига кўра, модернизациялаш ва янгилаш жараёнларини жадаллашти-

риш учун корхоналарнинг ўз маблаглари ва жалб қилинган маблаглар ҳисобидан йўналиштирилган сармоялари уч йилга даромад (фойда) солиғидан, улар томонидан ўрнатилган ишлаб чиқаришда фойдаланилаётган янги ускуналар мулк солиғидан озод этилди. Шунингдек, ягона солиқ тўловини тўлаётган микрофирмалар ва кичик корхоналар учун 5 йил муддатда инвестицион солиқ имтиёзлари белгиланди.

Шу йил 1 апрелдан бошлаб эса, агар олиб қирилганда технология жиҳозлар тегишли вазирликлар ва қўмита томонидан тасдиқланган рўйхатда қайд этилган бўлса, уларга қонунчиликда қўзда тутилган божхона тўловлари бўйича имтиёзлар қўлланилади. Бундай имтиёзлар технология жиҳозларни етказиб бериш бўйича шартнома шартларида кўрсатилган бўлганда ҳам эҳтиёт қисмларга нисбатан ҳам табиқ қилинади.

Ана шу самарали рағбатлантириш тизими бугунги кунда жиҳозимон ва маънавий жиҳатдан эскирган асбоб-ускуналар ва дастгоҳлар асосида ишлаётган юзлаб корхоналарни замонавий технологиялар ва жиҳозлар билан таъминлаш, уларда яқини сифатли, рақобатбардор, экспортбар махсулотлар ишлаб чиқариш имконини беради. Шунда иқтисодиётимизнинг ривожланиш суръати ортади, бозорларимиз харидориги товарларга тўлиб-тошиб, республикамизнинг молиявий аҳоли янада мустаҳкамланади. Аҳолининг реал иш ҳақи ва турмуш даражаси ошиши аслида ана шу омилига бевосита боғлиқ.

МУСИҚИЙ ЖАМОАЛАР ФЕСТИВАЛИ

Ўзбекистон Давлат консерваториясида Халқ чолғулари ансамбли ва оркестрларининг олтинчи республика фестивали бўлиб ўтди.

Тадбир «Сўғдиёна» халқ чолғулари камер оркестри, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Воғға етмаганлар ишлари бўйича комиссия, Республика хотин-қизлар кўмитаси, «Sen Yoig'iz emassan» Республика жамоатчилик болалар жамағармаси, «Соғлом авлод учун» ҳўкуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамағармаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳўнар таълими маркази ҳамкорлигида ташкил этилди.

Фестивалнинг очилишида мамлакатимизда ёш авлоднинг соғлом ва баркамол инсон этиб тарбиялаш давлатимиз сиёсатининг муҳим йўналиши экани таъкидланди. Бундай масбулатчи йўналишда миллий санъатимизнинг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир.

Мамлакатимизда таълим соҳасида олиб борилаётган ислохотлар натижаси ўлароқ, мактабгача, умумтаълим, ўрта махсус, касб-ҳўнар, олий таълим даргоҳларида миллий музыка санъатимизни пухта ўрганиш тизими йўлга қўйилди. Ўзбекистон Давлат консерваторияси ҳамда университетларнинг музыка педагогика факультетларида бастакорлар, дирижёрлар, мушакшунослар, созандалар, муслиқ маданияти соҳаси бўйича мутахассислар тайёрланмоқда.

«Болалар — санъатимиз келажаги» широри остида ўтаётган бу йилги фестивалда мактабгача, умумтаълим, ўрта махсус таълим муассасаларидаги муслиқий жамоалар билан биргаликда профессионал ижодий жамоалар ҳам ўз дастури билан иштирок этди. Бу эса ёш истеъдод соҳибларида миллий муслиқ санъатимизга бўлган қизиқишнинг тобора ортиб бораётганидан далолатдир.

Назозат УСМОНОВА, ЎзА мухбири.

«Крокус Газ Сервис» ҚҚ (Чкалов номли ТАИЧБ ДАБ)

«Газсервис» ЕАЖ ва «Сигнал» ЭАБнинг (Россия) Ўзбекистон ҳудудидаги расмий вақили бўлиб, турли русумли ва катталикдаги қозонларни тақлиф этади:

- горелка ўрнатилган, газда ишлайдиган иситиш ва сув иситиш қозонлари (200 кВт ва 400 кВт);
• буг қозонлари (соатига 500 кг.дан 4000 кг.гача);
• икки йўналишли (каналли) сув иситиш қозонлари (100 кВт ва 200 кВт);
• ерга ўрнатиладиган иссиқликни алмаштирувчи найсисмон қозонлар (7 кВт дан 16 кВт гача);
• ерга ўрнатиладиган иссиқликни алмаштирувчи пластинкасимон қозонлар (20 кВт дан 100 кВт гача);
• ерга ўрнатиладиган иссиқликни алмаштирувчи икки контурли пластинкасимон қозонлар (10 кВт дан 40 кВт гача).

Қозонлар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга. Барча қозонлар учун кафолат — 24 ой.

Кўрғазмалар ва сервис марказлари манзиллари: 1. Тошкент ш., «Миробод» (собиқ «Госпитал») бозори, саноат моллари қаторидаги 1-дўкон. Тел.: 306-40-39, 133-44-73. 2. Тошкент ш., С. Азимов ва «Ўзбекистон овози» кўчалари кесишган жойда (Мўлжал: Шахри ҳайкали, эски ҳайвонот боғи). Тел./факс: 132-21-22, 176-77-34.

ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ!

«ЎЗБЕКНАВО» ЭСТРАДА БИРЛАШМАСИ ЭСТРАДА САНАЪТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАМҒАРМАСИ ЎЗТЕЛЕРАДИОКОМПАНИЯ «ТУРКИСТОН» саройи билан ҳамкорликда

Мустақиллик байрамининг 16 йиллиги, Марғилон шаҳрининг 2000 йиллиги ҳамда Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллиги юбилейига бағишланган Республика кўрик-танловини ўтказлади.

Кўрик-танловнинг асосий мақсади — Мустақиллик байрами, Марғилон ва Самарқанд шаҳарларининг юбилейларига бағишланган янги эстрада қўшиқларини яратиш, ёш хонандани соҳнада янги ижодий ишларини қўлаб-қувватлаш, ёшларни Ватанга муҳаббат ва маънавий баркамоллик руҳида тарбиялашга хизмат этувчи ашулаларни оммалаштириш.

- Кўрик-танлов шартлари:
- кўрик-танловда барча профессионал эстрада хонандалари, жамоалар;
- ёш ва устоз хонандалар;
- олий ва ўрта махсус санъат ўқув юрталарининг талабалари;
- эстрада соҳасида ижод қилаётган бастакор ва шoirлар иштирок этишлари мумкин;
- меҳр ва муруват, эзгуликни улуглаш;
- гузаллик ва ёшликни мадҳ этиш;
- бирдамлик, тотувлик ва умуминсоний қадриятларни қуйлаш;
- миллий урф-одатларимизни тиклашга доир мавзуларга устувор даражада аҳамият берилди.

Кўрик-танлов ғолибларига қуйдаги соврин ва мукофотлар топширилади:
- учта биринчи даражали диплом — 700 000 сўм пул мукофоти;
- учта иккинчи даражали диплом — 500 000 сўм пул мукофоти;
- учта учинчи даражали диплом — 300 000 сўм пул мукофоти;
- учта рағбатлантирувчи диплом — имтиёзли лицензия.

Кўрик-танловнинг саралаш босқичлари ҳар бир вилоятда асосий тадбирдан 15 кун олдин бўлиб ўтади. Кўрик-танлов ғолибларининг тақдимот маросими «Туркистон» саройида 2007 йил 7 июль кўни бўлиб ўтади. Вилоятларнинг ва Тошкент шаҳри саралаш босқичи ғолиблари рўйхати ва уларнинг тўлиқ концерт дастурлари «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмасининг ташкилий қўмитасига 1 июлгача тавсия этилади.

Манзил: Тошкент ш., Навоий к., 2-уй, «Туркистон» саройи. Телефон: 135-61-23. Ташкилий қўмита.

Advertisement for OKSIGUMAT fertilizer. Includes text: «ОКСИГУМАТ» — ўсимликларнинг ўсишини тезлаштирувчи, озикланишини, касалликларга қарши ҳимояланишини бошқарувчи стимулятор. Янги, юқори самарали, бетактор хусусиятли препарат. «Оксигумат» биологик фаол препарат сифатида қишлоқ ҳўжалигида уруғларнинг унумдорлигини ошириб, кўчатларнинг илдиэ отиши ва яхши тутиб кетишини таъминлайди. Includes a table of crop yields and contact information for the manufacturer.

Advertisement for Uzbekistan State University of Languages. Text: Сиз шахримиздаги олий юрталарига киришда хорижий тиллардан тест синовларида юқори натижаларга эришини хоҳлайсизми? Унда Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети қошидаги тайёрлов курсларига мурожаат қилинг! Includes contact information and a list of languages offered.

